# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 18 январь, № 12 (5179) Сешанба


# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

***— 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши, тадбиркорларга яратилаётган қулай инвестициявий муҳит бизни янада изланиб, истиқболли лойиҳалар устида ишлашга, янги технологияларни жорий этишга ундаётир, — дейди Қибрай туманидаги "Азияэлектроэнергия" илмий-ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори, иқтисод фанлари номзоди Қудратжон Ҳошимов.***

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

Ушбу корхонанинг фаолият кўрсата бошлаганига бу йил тўққиз йил тўлди. Ана шу нисбатан қисқа даврда жамоа қаддини ростлаб, бошқа турдош корхоналар билан рақобатлаша оладиган, иқтисодий бақувват корхонага айланиб улгурди. Бугун республикамиз энерготизимига, тоғ-кон ва металлургия корхоналарига, нефть-газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатига, темир йўл транспорти ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига, шаҳар ва қишлоқ типидаги тураржой мавзеларига 0,4 киловаттдан 2500 киловаттгача бўлган трансформаторлар ҳамда бошқа электр жиҳозлари етказиб бераётган мазкур корхонанинг нафақат пойтахт вилояти ёки мамлакатимизда, балки бир қатор хорижий юртларда ҳам ўз мижозлари бор. Жамоа Хитой, Жанубий Корея, Туркманистон каби давлатлардаги ҳамкорлари билан ўзаро ишончли ва фойдали алоқаларини йўлга қўйган.

— 2004 йилдан ички бозордан ортиб, маҳсулотларимизни Афғонистон, Эрон каби мамлакатларга экспорт қилишни бошлагандик, — дейди Қудратжон. — Йил сайин корхонамизнинг экспорт қуввати ошиб бормоқда. Яқинда Туркманистон Республикасига маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзоладик.

Янги ташкил этилганида 10-15 нафар одам билан иш бошлаб, бор-йўғи, 2-3 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган корхонада бугун 250 дан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. Сўнгги икки йил ичида Маҳаллийлаштириш дастури асосида 5 та лойиҳани ҳаётга жорий этган жамоа эндиликда 39 турдаги жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



**СУРАТДА:** "Азияэлектроэнергия" корхонаси ишчилари Дониёр Турсунов, Тўлаган Ҳожиев ва Бекзод Тошназаров иш устида.

— Куни кеча янги лабораториямиз, полимерлаш цехимиз ҳам ишга тушди, — дейди Қ. Ҳошимов, — Бу эса маҳсулотимиз сифати янада ошиб, дунё бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашимизга имкон бермоқда.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, асосий ишлаб чиқариш цехлари рўпарасидаги янги бино диққатимизни тортди.

— Заводимизда кенг миқёсдаги реконструкция ишлари давом этаяпти, — дейди ҳамроҳимиз. — Ушбу янги бинога Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг молиявий кўмагида энг сўнгги замонавий технологик линияни олиб келиб ўрнатишни режалаштирганмиз. Бу ерда электр қувватини тежовчи, тақсимловчи электр жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Шунингдек, янги линия ишга тушиши билан корхонамиз имконияти янада кенгайиб, қўшимча 100 та иш ўрни яратилади.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аграр соҳада етакчи куч сифатида шаклланган фермер хўжаликларига муносиб меҳнат шароити яратиб берилаётгани, илм-фаннинг илғор ютуқлари ва кўп йиллар давомида тўпланган бой тажрибанинг изчил татбиқ этилаётгани туфайли соҳа тобора тараққий этиб бормоқда. Ўтган йили барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва баракали ҳосил етиштирилгани бунинг ёрқин далилидир.***

# МЎЛ ҲОСИЛ ПОЙДЕВОРИ

**Бугуннинг гапи**

Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, бу йил ҳам кўнгилдагидек ҳосил етиштириш, кўп жиҳатдан, мавсум бошидаги ишларнинг нақадар оқилона ва сифатли бажарилишига боғлиқ. Сабаби, қишлоқ хўжалигида ҳар бир агротехника тадбирининг ўз муддати, мақсад ва вазифалари бўлади. Шу боис мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари нафақат экин парвариши даврида, балки ерни экишга тайёрлаш жараёнидан бошлаб, белгиланган юмушларни обитобида ўтказиш пайидан бўладилар.

Мамлакатимизда 2011 йил ҳосили учун 1131,8 минг гектар ерда бошоқли дон экинлари парваришланмоқда. Соҳа мутахассислари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда экинларнинг ҳолати ўрганилганда, уларнинг ривожи ўтган йилдагига нисбатан 10-15 кун орқада қолаётгани, хусусан, мавжуд майдонларнинг 10-15 фоизи нам етишмаслиги туфайли ривожи суст эканлиги аниқланди.

Кўп йиллик тажрибадан маълумки, **ҳозиргидек ноқулай об-ҳаво шароитида экинларни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш яхши самара беради.** Чунки далага кўпроқ маҳаллий ўғит чиқарилса, у тупроқнинг табиий намлигини сақлаб, экиннинг сувга бўлган талабини камайтиради. Шунинг учун:

**биринчи навбатда,** қишлоқ меҳнаткашлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳар гектар ғалла майдони учун камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш;

**иккинчидан,** ҳар 3 гектар ер учун биттадан 10-15 тонна шундай ўғитни "шарбат"га айлантирадиган ҳандақлар қазиб, уни маҳаллий ўғитлар билан тўлдириб, кўмиб қўйиш тавсия этилади.

Бу жараёнда нафақат чорва молларининг нуриси, балки дарахт барглари, экин қолдиқлари, эски деворлар кесаги, зовур ва ариқлар лойқасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг 2010 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг солиқ органлари томонидан ижроси муҳокама қилинди.

# СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

**Сарҳисоб**

Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори билан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар тушумлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган бўлсада, Навоий, Жиззах ва Наманган вилоятларида бу борада мавжуд имкониятлар тўлиқ сафарбар қилинмаганлиги қайд этилди.

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига биноан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги "Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги ва "Бож тарифи тўғрисида"ги қонунлар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти ҳамда улардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар батафсил тушунтирилди.

Йиғилишда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир" номли маърузасида белгилаб берилган вазифа ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, республикамизда 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида бажарилиши таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли банкларимиз фаолияти тобора такомиллашиб, тизимда улкан ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Кейинги йилларда республикамиз банкларининг капитал маблағлари кўпайиб, молия муассасаларимиз фаолияти бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланаётгани шундан далолат беради.***

**Танлов**

Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш баробарида, аҳолининг уларга бўлган ишончи ортишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан аҳолига чекланмаган миқдордаги 400 дан ортиқ муддатли омонат турлари миллий ҳамда чет эл валюталарида тақдим этилмоқда. Натижада 2010 йил якунларига кўра, молия муассасаларидаги аҳоли омонатлари ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 53 фоизга ошди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарори молия муассасаларининг фаолиятини янада жадаллаштириб, кўплаб омонат турлари жорий этилиши ҳамда фуқароларнинг бу борадаги хабардорлик даражаси ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Омонатга қўйилган маблағларнинг барча солиқ турларидан озод этилгани, уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги, омонатларнинг миқдоридан қатъи назар, тўлиқ қопланиши таъминлангани, айниқса, эътиборга моликдир.

Маълумки, бир неча йиллардан буён мазкур қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамкорлигида аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича банклараро танлов ўтказилиб келинмоқда. Куни кеча пойтахтимизда ушбу танловнинг 2010 йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Марказий банк, Банклар ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидландики, танловнинг нуфузи ҳамда ижтимоий аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Галдаги тадбирда республикамизнинг 31 тижорат банки, шу жумладан, уларнинг 810 та филиали, 4 мингга яқин минибанки ва махсус кассалари иштирок этгани бунга яққол мисол бўла олади.

Танлов ғолиблари "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки", "Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилган энг яхши банк филиали", "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки", "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси" сингари саккиз та асосий ҳамда ўн битта қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

"Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки" номинациясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият

(Давоми 2-бетда).

# УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Унда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Республика "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси А. Аҳмедов олиб борган мажлисда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими — маҳалланинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётир. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Инвестиция имкониятни кенгайтирди

***"Фарғонаазот" бирлашмасига 27 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилиши эвазига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 30 фоизга ортди.***

Шунингдек, корхонада Қўнғирот сода заводи мутахассислари билан ҳамкорликда янги маҳсулот — натрий биокарбонат тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Айтиш керакки, шу пайтга қадар ушбу маҳсулот валюта эвазига хориждан келтирилар эди.

Эътиборлиси, корхонада янги йилнинг дастлабки кунларида 1250 тонна маҳсулот тайёрланди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мижоз манфаати муҳим

***БУХОРО. Вобкент туманидаги "Наршахий Аҳмад Амон" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан пластик қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Тадбиркор Ҳикмат Амонов 20 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, илғор технологияларни олиб келиб ўрнатди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган диаметри 1,5 дан 100 сантиметргача бўлган қувурлар сифати ҳамда нисбатан арзонлиги билан мижозларга манзур бўлмоқда. Корхонада ўтган қисқа муддатда дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кредит наф берди

***НАВОИЙ. Кармана туманилик Фарҳод Жўраев томёпқич маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Шерзодбек" хусусий корхонасини фойдаланишга топширди.***

Бунинг учун у банкнинг 250 миллион сўмлик кредитидан фойдаланди. Натижада йилига 15 минг квадрат метр томёпқич ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхонада саккизта янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш керакки, корхона жамоаси қисқа муддатда 1,5 минг квадрат метр ҳажмида сифатли маҳсулот тайёрлаб, қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибда уй-жой қурувчиларга етказиб берди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Илғор технология самараси

***СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида гилам ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "А.К.— carpet" корхонаси иш бошлади.***

Даставвал корхонага хорижнинг замонавий технологиялари олиб келиб ўрнатилди. Шунингдек, "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали томонидан ажратилган 250 миллион сўмлик кредит эвазига хом ашё сотиб олинди.

Ҳозир 22 та иш ўрни яратилган корхонада ойига 40 миллион сўмликдан зиёд гилам маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

# СУҒУРТА БОЗОРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***2010 йил мобайнида мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг низом жамғармалари қарийб***

**47,6 миллиард сўмга ошди.**

Суғурта бозорининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилаётгани, тизимни ривожлантириш ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, суғурталовчиларнинг манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинаётгани туфайли шундай натижага эришилди. Бу эса соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.



***Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характерига, яъни муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмаслиги таъкидланган эди.***

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида ҳам айнан кодификация жараёнларини асосий ва узоқ муддатга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурлари асосида амалга ошириш депутатлар олдидаги масъулиятли вазифа этиб белгилаб берилди.

Кодификациялаш — қонун ҳужжатларини туркумлашнинг алоҳида кўриниши бўлиб, муайян бир соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишлаш, уларни ягона тизимга солиш, эскирган, амалиётда ўзини оқламаган қоидалардан воз кечишни англатади. Бунда қонун ижодкори амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларининг тўлиқ ва бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида уни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқади. Шу билан бирга, қонунлардаги номувофиқлик ва ўзаро қарама-қаршиликларни, бири-бирини такрорловчи нормаларни ҳамда бошқа моддаларга ҳавола қилишни бартараф этишга ҳаракат қилади.

Қонунчиликнинг самарали бўлиши, аввало, унинг тизимлилиги, ўзаро мутаносиблиги ҳамда ортиқча такрорланишлар бўлмаслигига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Қонун ҳужжатларининг ички тизимлилигини таъминлашда эса кодификация муҳим ўрин тутади. Чунки у туфайли қонунчиликдаги муҳим ҳуқуқий нормаларни мантиқий бирлаштирувчи мажмуа вужудга келади. Бундан ташқари, кодификацияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди. Балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив қоидалар ягона ҳужжат кўринишида баён этилади.

Кодификация ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошланғич таҳририга барча кейинги ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, номувофиқлик ҳамда қарама-қаршиликларни аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, муайян соҳаларни тартибга солувчи, узоқ муддатга мўлжалланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилишини тақозо этади. Масалан, қонунчиликни тизимлаштиришнинг асосий шакли ҳамда қонунчилик тармоғининг ўзаги ва бош манбаи ҳисобланмиш кодекс, нафақат тегишли конституциявий принципларнинг ҳаётга жорий этилишига йўл очади, балки соҳага оид ҳуқуқий сиёсатни, қонунчиликни ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради. Шу боис ҳам кодекс муайян қонунчилик соҳасидаги норматив мажмуани ифодаловчи, жамловчи қонун бўлгани боис унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқан узвийлиги ҳамда мутаносиблиги, тизимли жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан фарқ қилади.

Таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларни тўлароқ ифода этишини таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан,

**Парламент ҳаёти**

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Мониторинг маркази томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонунлар инвентаризациядан ўтказилди. Ушбу таҳлилда 300 дан ортиқ қонунлар ва 15 та кодекс қамраб олинди. Натижада қонунчиликдаги юздан ортиқ номувофиқликлар, қарама-қаршиликлар ҳамда бири-бирини такрорловчи нормалар аниқланди. Мавжуд камчиликлар бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан масъул ижрочилар белгиланиб, аниқ муддатлар кўрсатилган ҳолда тегишли юқори ташкилотларга ҳавола этилди.

Қисқача айтганда, бугунги кунда кодификациялашган қонунлар яратиш ҳамда қонунчиликдаги камчиликларни имкон қадар бартараф этиш қонун ижодкорлиги жараёнида энг муҳим ва устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, қўмитамизда мазкур амалиётни такомиллаштириш мақсадида соҳанинг етук олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда аниқ таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Зеро, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этилиши, аввало, қонун ижодкорлиги жараёнида уларнинг пишиқ-пухта тайёрланишига бевосита боғлиқдир.

**Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.**

# МЎЛ ҲОСИЛ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалардан компостлар тайёрлаб, маҳаллий ўғитлар захирасини яратиш ҳам яхши наф беради. Бунда **маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ташаббусни қўлга олиб,** аҳоли хонадонларидан маҳаллий ўғитларни тўплаб, дала бошига олиб чиқишни уюштириши ҳар томонлама фойдалидир.

Бу **биринчи галда**, аҳоли тураржойлари, маҳалла-кўйнинг саранжом-саришталигини таъминлайди, санитария-гигиеник ҳолатни яхшилашга хизмат қилади;

**иккинчидан,** мўлжалдаги маҳаллий ўғит жамғарилиб, минерал ўғитлардан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Булоқбоши туманидаги "Ражабова Муқаддас" фермер хўжалигининг фаолияти бунга мисолдир. Ўтган йили фермер 32 гектар майдоннинг ҳар гектарига 15-17 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариши натижасида минерал ўғитлардан фойдаланмай, ҳосилдорликни 48 центнерга етказди. Экинни суғориш 1-1,5 баравар камайиши ҳисобига эса, гектаридан 1000-1500 куб метр сув иқтисод қилингани эътиборга лойиқдир.

Ёки бўлмаса, Гулистон туманидаги "Юлдуз" фермер хўжалигида экинлар "шарбат" усулида суғорилиши натижасида маъданли ўғитларга сарфланадиган маблағ тежаб қолиниши билан бирга, ҳар гектар майдондан қўшимча равишда 370 минг сўмдан даромад олинди. Бу фермер хўжалигининг моддий-техник базасини яхшилаш, ишчиларни моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь, жорий йилнинг январь ойларида об-ҳаво аввалги мавсумдагига нисбатан бирмунча қуруқ келгани боис ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган **ички хўжалик ариқларини қўл кучида тозалаш ишларини** шу ойнинг охиригача якунлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ғўза қатор ораларига экилган майдонларда **далани ғўзапоядан тозалашни** тўлиқ тугатиш тавсия қилинади.

Жорий мавсумда ёғингарчилик кам бўлиб, қуруқ қировли совуқ кунларнинг узоқ давом этиши оқибатида кучли ва кучсиз шўрланган майдонларда шўрнинг юзага кўтарилиб кетиши ҳеч гап эмас. Маҳаллий ўғит солиш ушбу салбий ҳолатни бартараф этишнинг ягона йўли эканлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Айтайлик, Мирзаобод туманидаги "Янги ер қадри" фермер хўжалигининг кучли шўрланган 15 гектар майдонининг ҳар гектарига кетма-кет икки йил мобайнида 7 тоннадан маҳаллий ўғит берилгач, ғалла ҳосилдорлиги 14-15 центнердан 40-45 центнерга етказилди. Энг асосийси, шўрланиш даражаси пасайиб, 650-750 куб метр сув иқтисод қилинди. Шундай экан, бу усулни нега давом эттирмаслик керак?

Дарҳақиқат, экинларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришда гап кўп. Қадимда деҳқонларнинг жамғарган маҳаллий ўғитию уни устамонлик билан ишлатишига қараб, қанча ҳосил кўтариши олдиндан чамаланган. Буни тасаввур қилиш учун мана бу рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя. **Ҳисоб-китобларга қараганда, маҳаллий ўғитнинг 10 тоннаси таркибида 40-45 килограмм азот, 10-15 килограмм фосфор, 20-25 килограмм калий ва кўплаб микроэлементлар, шунингдек, углерод мавжуд**. Энди англагандирсиз, ҳар гектар ғалла майдонига 10 тоннадан ўғит чиқаришнинг мазмун-моҳиятини?!

Шу маънода, мағзи тўқ буғдой етиштиришга аҳд қилган деҳқонлар айни кунларда:

**биринчидан,** ғалла майдонларини мониторинг қилиб, экиннинг ҳолатини аниқлаб олиши зарур;

**иккинчидан,** унинг натижасига қараб, кечки муддатларда экилган, ривождан ортда қолган сийрак майдонларга жамғарилган **маҳаллий ўғитнинг 40-50 фоизини кечиктирмасдан сепгани маъқул.** Бу қишқировли кунларда ниҳолларга бамисоли кўрпа бўлиб, уларни совуқдан асрайди, туплаш, ўсиш ва ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бундан ташқари, тупроқ таркибини яхшилаб, ернинг ҳайдов қатламида нам сақлашни узайтиради, микроорганизмларнинг фаол ишлашига қулай шароит яратади;

**учинчидан,** маҳаллий ўғитнинг қолган қисми махсус ҳандақларда баҳор ва ёз ойлари ғалла ҳамда бошқа экинларни "шарбат" усулида озиқлантириш учун компост қилиб, кўмиб қўйилиши керак. Нега деганда, сув "шарбат" қилиб оқизилса борми, экиннинг илдиз тизими яхши ривожланиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги янада ортади, ҳосилдорлик 10-15 центнергача кўпаяди. Ўтган йили ғалла майдонларининг ҳар гектарига ўртача 7-8 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб, суғоришни "шарбат" усулида ташкил этган Пахтаобод, Балиқчи, Марҳамат ва Кўрғонтепа туманларида 65-66 центнер, Вобкент, Жондор ва Бухоро туманларида 57-60 центнер, Яккабоғ ва Касби туманларида 60-67 центнер, Норин, Учқўрғон ва Наманган туманларида 61-62 центнер, Оқдарё, Иштихон ҳамда Пахтачи туманларида 62-65 центнердан, Денов ва Сариосиё туманларида 63-70 центнер, Зангиота ва Қибрай туманларида 56-62 центнердан ошириб ҳосил олингани бунга яққол далилдир. Кўплаб фермер хўжаликларида эса бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришилиб, уларнинг ихтиёрида 70-80 тоннадан сара дон қолди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, айниқса, бу йилги об-ҳаво шароитида маҳаллий ўғит жамғариш ва экинларни озиқлантириш масаласига эътиборни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилаётган ҳозирги долзарб, тиғиз ва масъулиятли паллада ҳар биримиз қишлоқ хўжалиги ходимларига мададкор бўлиб, қўлимиздан келган ёрдамимизни аямасак, бу йил ҳам ғалла хирмонимиз янада баракали бўлиши, шубҳасиз. Зотан, қишлоқ хўжалигининг ривожи иқтисодиётимизнинг юксалишига, юртимизнинг обод, турмушимизнинг янада фаровон бўлишига хизмат қилади. Буни дилдан чуқур ҳис этган ҳолда, қиш фаслини иш фасли билиб, ҳар қачонгидан ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаш зарурлигини унутмасак, эзгу мақсадимизга, албатта, эришамиз.

**С. РАҲМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

миллий банки ғолибликни қўлга киритди. "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банкининг Олтиариқ филиали таркибидаги 1-жамғарма/махсус касса "Қишлоқ жойдаги энг яхши жамғарма/махсус касса", деб топилди. "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

филиали" номинациясида Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Хоразм вилояти филиалининг амалиёт бўлими биринчи ўринни эгаллади.

— Айни пайтда 3 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатаётган бўлсак, шундан 300 дан зиёди омонатчилардир, — дейди "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинациясида ғолиб деб топилган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Китоб филиали раҳбари Салоҳиддин Пўлатов. — Юртимизда банкларга замонавий хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани туфайли ўтган йили уларга 1 миллиард 700 миллион сўмлик кредит ажратиб, жорий этилган 22 турдаги омонатимизга 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ жалб қилдик.

Танлов ғолибларига махсус диплом ва қимматбаҳо совринлар топширилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун Тошкент вилоятида "Азияэлектроэнергия"га ўхшаган замонавий корхоналар кам эмас. Фақат ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда 132 та катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли тармоқ вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 55,6 фоизга етди. 66,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар ўзларига берилган имкониятдан, солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятларини тобора кенгайтирмоқдалар. Бунинг натижасида эса маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. 2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 2 триллион 251 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Зангиота туманида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 60,8 фоиздан зиёди хусусий мулк эгалари — тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Тумандаги парфюмерия, косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Дента Фил Плюс", гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ҳакима нур", трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Такро Осиё", пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Жаҳон Инвест Пласт", мебель жиҳозлари ишлаб чиқарувчи "Кенг Имкон плюс", чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи "Moskovskie delikatesi" каби корхоналар жамоалари эришаётган муваффақиятлар бугун барчани қувонтираётир.

Ёш тадбиркор Отабек Муталов раҳбарлик қилаётган "Moskovskie delikatesi" масъулияти чекланган жамияти хориж технологияси асосида фаолият юритади. Кунига 70 турдаги 7-8 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган мазкур жамоада ҳозир маҳаллий йигит-қизлардан 50 нафари меҳнат қилмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида дилимизга яхши ниятларни тукканмиз, — дейди Отабек Муталов. — Шу кунларда корхона қувватини, маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш мақсадида Германиянинг машҳур "KILIA" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бу компаниядан янги, замонавий технологик линияни лизинг йўли билан олаяпмиз. Янги линия ишга тушиши билан маҳсулот тури яна 12 тага кўпаяди. Қўшимча 10 та иш ўрни яратилади.

"Moskovskie delikatesi" жамоаси ўтган йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 11 миллиард сўмлик маҳсулотни реализация қилишга эришди.

Бугун замонавий, рақобатбардош корхоналарни, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини пойтахт вилоятининг чекка тоғли туманларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Бўстонлиқ туманидаги "Osborn textile" масъулияти чекланган жамиятида 600 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Лойиҳа қиймати 17 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонада учта ишлаб чиқариш фабрикаси ва тикув цехи мавжуд. Қисқача айтганда, корхонада пахта хом ашёси йигирилиб, тўқилиб, тикилиб, тайёр ҳолда харидор қўлига етиб боради. Цехларнинг замонавий технология билан жиҳозлангани юқори сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Ҳозир бу ерда лойиҳа қиймати 7,2 миллион АҚШ долларилик қўшимча ип йигирув ва бўёқ фабрикаси қурилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга ошиши билан 150 ишчи ўрни яратилади.



*Янгийўл туманидаги "PLASTEKS" масъулияти чекланган жамиятида 500 нафарга яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Аҳил жамоа ўтган йили 11 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 8700 тонна юқори сифатли калава ип ишлаб чиқаришга эришди.*

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби пойтахт вилоятида ҳам тараққиётнинг мустаҳкам таянчига айланиб бораётир.

**Али ЗИЁДОВ.**

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

Яхши хабар

# Янгибозорда янги корхона

***ХОРАЗМ. Янгибозор туманидаги "Ўриқзор" фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Нурметов саъй-ҳаракати билан сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган илғор технологик линия ишга туширилди.***

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда корхонада кунига бир тоннага яқин сут қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 4 хилдаги маҳсулот тортиқ қилинмоқда.

**О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 18 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1625,66 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2610,98 |
| 1 Дания кронаси | 295,06 |
| 1 БАА дирҳами | 448,53 |
| 1 АҚШ доллари | 1647,41 |
| 1 Миср фунти | 284,14 |
| 1 Исландия кронаси | 14,17 |
| 1 Канада доллари | 1666,91 |
| 1 Хитой юани | 249,90 |
| 1 Малайзия ринггити | 539,16 |
| 1 Польша злотийси | 567,94 |
| 1 СДР | 2548,61 |
| 1 Туркия лираси | 1062,85 |
| 1 Швейцария франки | 1708,58 |
| 1 евро | 2150,47 |
| 10 Жанубий Корея вони | 14,78 |
| 10 Япония иенаси | 198,77 |
| 1 Россия рубли | 55,00 |
| 1 Украина гривнаси | 207,14 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Солиқ органларида ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш ишларининг натижалари Навоий, Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри солиқ органлари мисолида таҳлил қилиниб, бу борада 2011 йилга режалаштирилган тадбирлар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси давомида эришилган ижобий натижаларни эътироф этиш билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси солиқ органлари раҳбарларининг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, 2 нафар раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 35 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Муҳокама сўнгида келгусида шахсий таркиб олдида турган долзарб вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.**

# УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини олиб боришда маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан жамғарма томонидан ўтган йили ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирларда мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай тадбирлар пировардида маҳаллаларда барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, уларни жамиятимиз учун ёт бўлган турли таъсирлардан асраб-авайлашга хизмат қилаётир.

Тадбирда мазкур масъулиятли вазифаларни бажаришга давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, маҳаллалар ҳузурида тузилган комиссиялар аъзоларининг кенг жалб этилгани амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчиллигини таъминлаётгани таъкидланди. Айни пайтда бу борада фуқаролар йиғинларининг давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда маҳалланинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини кучайтириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа тегишли масалалар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАОЛЛИК ВА НАТИЖА

***Бугунги кунда Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган эркаклар костюм-шимлари мамлакатимиз ички бозорида ўз ўрнини топиб улгурган. Бу бежиз эмас, албатта. Замонавий талабларга тўла жавоб берадиган мазкур буюмлар бежиримлиги ва сифати бўйича хорижнинг машҳур фирмалари маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Шундан бўлса керак, корхонада тикилаётган маҳсулотларга талаб ҳам тобора ортмоқда.***

Маълумки, кичик бизнеснинг устувор имконияти унинг харидор талабига тез мослаша олишида. "Ифтихор кийим саноат"нинг бозорга илдам кириб боришида ана шу омил қўл келди. "Агробанк"дан олинган 554 минг АҚШ долларига 200 миллион сўмдан зиёд сармоя қўшилиб, хорижнинг энг сўнгги русумдаги тикувчилик технологиялари келтирилди. Мазкур дастгоҳларни ишлатиш қулай бўлиб, у маҳсулот андозасидан тортиб, дазмоллашгача бўлган жараённи тезкор бажаради.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди жамиятнинг молиявий хизмати раҳбари Аня Долгих. — Айни пайтда корхонамиздаги мавжуд ускуналарни моҳирлик билан бошқараётган йигит-қизларга қараб ҳавасингиз келади. Дастгоҳларимизнинг аксарияти компьютерлаштирилган. Уларни бошқараётган ишчиларимизнинг билим ва уқуви ҳам шунга яраша.

"Ифтихор кийим саноат"да, айниқса, қўлида ҳунари бор чевар

**Интилиш**

қизларга яхши шароит яратилган. Улар орасида яқин-атрофдаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар анчагина. Масалан, костюмнинг ёқасини тикаётган Мавжуда Зайниддинова Наманган туманидаги касб-ҳунар коллежида таҳсил олган. Ўқув даргоҳида компьютер сабоғини пухта эгаллагани ишда қўл келмоқда. Назира Қосимова, Ҳилола Ҳамидова сингари қизлар ҳам зиммаларидаги вазифаларни аъло даражада уддалашади. Улар атрофида яна ўттиз нафар чеварликка ҳавасманд қизлар шогирдлик даражасидан ўтиб, эрта-индин очиладиган янги цехда иш бошлашади. Дарвоқе, янги цех фаолият бошлагач, бу ерда меҳнат ҳажми уч баробарга ортади. Чеварлар жамоасининг якунланган йилдаги натижалари ҳам чакки эмас. Яъни, ўтган вақт мобайнида 300 миллион сўмлик 7,5 минг дона костюм-шим тайёрланиб, буюртмачиларга етказилди.

— Ички бозор маҳсулотимиз қадр-қимматини белгилаб берди, — дея сўзида давом этади Аня Долгих. — Энди уни экспортга чиқаришнинг вақти келди. Шу мақсадда жорий йилдан хорижлик ҳамкорлар билан шартнома тузишга киришдик.

Кичик бизнес соҳибларининг катта мақсад йўлидаги бундай хайрли ишларига таҳсин айтсангиз, арзийди. Зеро, ирмоқлар қўшилиб, дарёга айланганидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг куч-қудрати шундай интилувчан юртдошларимиз саъй-ҳаракатлари туфайли мустаҳкамланади. Юртимиз обод бўлиб, турмушимиз янада фаровонлашаверади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ҳисобот натижалари

***Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (АСЕА) томонидан маълум қилинишича, 2010 йилда Германиянинг "Audi" автомобилсозлик компанияси Европа бозорида энг кўп машина сотган.***

Корхона бу даврда харидорларга 623,5 минг дона автомобиль етказиб берган. Бу 2009 йилдагига қараганда, 1,7 фоиз юқори кўрсаткичдир. Рўйхатнинг иккинчи ва учинчи поғоналари ҳам германиялик автомобилсозларга насиб этди. Хусусан, "BMW" ўтган йилда 609,2 минг дона, "Mercedes-Benz" эса 586,1 минг дона маҳсулот сотган. Таажжубли жиҳати, 2010 йилда жаҳонга машҳур "Mercedes-Benz" компанияси машиналарига бўлган талаб 2009 йилдагига нисбатан бир фоизга пасайган.

## Тошқин келтирган талафотлар

***Бразилиянинг Жануби-шарқий ҳудудларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли юз берган сув тошқинлари катта талафотларни келтириб чиқарди.***

Табиий офатдан, айниқса, мамлакатнинг Нова-Фрибургу, Тересополис, Сумидору, Итайпава ва Петрополис каби шаҳарларига жиддий шикаст етди. Кўнгилсизлик оқибатида 631 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, қарийб 13 минг киши бошпанасиз қолган.

— Тошқиндан зарарланганларга ёрдам кўрсатиш ишлари қийин кечди, — дейди маҳаллий қутқарув хизмати вакили. — Сабаби, кўплаб йўллар ва кўприкларни сув ювиб кетганди. Бу эса фалокат юз бераётган ҳудудларга вақтида етиб боришда муаммолар туғдирди.

Маълумотларга қараганда, тошқин туфайли мамлакат иқтисодиётига 461,5 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етган.

## Энг кичик сайёра

***Астрономлар Қуёш тизимидаги энг кичик сайёрани аниқлашди, дейилади "NASA" томонидан тарқатилган хабарда.***

"Kepler-10b" дея номланган мазкур само жисми Ердан 560 Қуёш йили узоқликда ҳаракат қилмоқда. У Қуёшга Меркурий сайёрасига нисбатан 20 баробар яқинроқ жойлашган. Шу боис ҳам ушбу само жисмининг ҳарорати бир неча минг даража иссиқлиги тахмин қилинмоқда.

Мазкур сайёра 2009 йилда фазога тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида учирилган "Kepler" аппарати ёрдамида аниқланган.

## Кунчиқар юртда қалин қор

***Японияда кузатилаётган кучли қор бўронлари кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлмоқда.***

Хусусан, табиатнинг бу инжиқликлари уч кишининг умрига зомин бўлган. Кўчаларни қоплаган қалин қор сабабли қарийб 200 минг нафар йўловчи ўз манзилига вақтида етиб бора олмади. Шунингдек, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетгани сабабли Япон денгизи, Хонсю оролининг шимолий ҳудудларида транспорт воситалари ҳаракати издан чиққан. Мамлакатдаги йирик Токайдо темир йўл магистралида эса 300 дан ортиқ поезд белгиланган вақтда йўлга чиқа олмаган.

Миллий метео бошқармаси маълумотларига кўра, баъзи тоғли минтақаларга тушган қорнинг қалинлиги, ҳатто, уч метрдан ҳам юқори экан.

## Автобус портлатиб юборилди

***Покистоннинг Кохат шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.***

Бу ҳақда маҳаллий "Geo" телеканали хабар тарқатди. Йўловчи автобусга ўрнатилган портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши оқибатида ўн олти киши ҳаётдан кўз юмган, тўққиз киши эса жароҳатланган.

— Ҳозирча бу ишни бирор бир гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ, — дейди маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораси ходими. — Аммо шуниси аниқки, портлашни амалга оширган жиноятчининг ўзи ҳам автобусда бўлган.

## Босқинчилар қилмиши

***Мексика пойтахти яқинидаги аҳоли яшаш жойларидан биридаги хонадонга номаълум кимсалар ҳужум уюштиришди.***

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тарқатилган хабарга қараганда, қуролланган кимсалар уйга бостириб кирган ва бу ердаги одамларни ўққа тутган. Тўполон чоғида саккиз киши отиб ўлдирилган, яна икки нафар одам эса оғир тан жароҳати олган. Хунрезлик юз берган вақтда уйда 20 киши бор эди. Қабиҳлик ким томонидан ва нима мақсадда содир этилгани номаълум.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ОСМОНДАН «ЁҒИЛГАН» ҚУШЛАР

***Она табиатни борича асраш, уни келажак авлодга безавол етказиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Сабаби, глобал иқлим ўзгариши оқибатида рўй бераётган табиий таъсирлар туфайли Ер юзида биологик хилма-хилликка путур етмоқда. Олиму мутахассислар унинг асоратлари келажакда бошқа жиддий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келишини таъкидлашаяпти.***

**инсониятни она-табиатни асраб-авайлашга жиддийроқ муносабатда бўлишга чорлаётган бонгдир**

Йирик халқаро анжуманлар кун тартибидан табиатни, хусусан, биологик хилма-хилликни асраш мавзуси бежиз асосий масала сифатида ўрин олаётгани йўқ. Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини янада эътиборлироқ бўлишга чорлаш мақсадида ўтган йилни "Биологик хилма-хилликни асраш йили" деб эълон қилди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар маълум маънода ижобий натижаларни бераяпти. Бироқ...

2011 йилнинг дастлабки кунларида дунёнинг айрим давлатлари аҳолиси дилни хира қиладиган ғайритабиий воқеанинг гувоҳи бўлишди. Гап шундаки, кутилмаганда осмондан юзлаб қушларнинг ўлик ҳолатда ерга тушиши нафақат оддий одамларни, балки соҳа мутахассисларини ҳам жиддий ўйлантириб қўйди. Кўча-кўйда уюм-уюм бўлиб ётган беозор жониворларнинг бундай аянчли аҳволини кўриш чиндан ҳам оғир. Қушларнинг оммавий қирилиши АҚШ, Хитой, Швеция, Канада, Туркия ва Европанинг бошқа бир қатор мамлакатларида қайд этилди. Мазкур ҳудудларда яшаётган маҳаллий аҳоли вакиллари ушбу воқеадан саросимага тушиб қолганликларини билдиришди. Ахир ким ҳам дабдурустдан ҳовлиси ёки кўчасида қушларнинг жасади пайдо бўлиб қолганидан ташвишланмайди, дейсиз?!

Айтиш жоизки, бундай воқеа дастлаб АҚШнинг Арканзас штатида рўй берди. Орадан бир неча кун ўтиб эса Луизиана, Кентукки штатлари, Швециянинг Фальчепинг ва Италиянинг Равенна шаҳарлари, Канаданинг Кведек музофотида ҳам кузатилди. Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, шундай аянчли ҳодиса 2010 йилнинг сўнгги кунларида ҳам сайёрамизнинг айрим минтақаларида содир бўлганди. Янги йилнинг кириб келиши билан эса унинг кўлами кенгайди.

Таажжубли жиҳати, осмондан ўлик ёки чалажон ҳолатда тушаётган қушлар бир турга мансуб эмас. Хусусан, улар орасида сайроқи қораялоқ, зағча, қарға, қумри ва кабутарни учратиш мумкин. Хитойда эса ҳатто бургутлар ҳам ана шундай қисматга дучор бўлган. Таассуфки, асосан, Америка ва Европани қамраб олаётган бу муаммонинг келиб чиқиш сабабини аниқлашда олимлар ожизлик қилишмоқда.

Тафсилотларга тўхталсак. Арканзас штатининг унчалик катта бўлмаган Биби шаҳарчасида Янги йил кечаси осмондан 5 минг донагача ўлик қарғалар тушган. Тахминларга кўра, бунга байрам куни одамлар томонидан уюштирилган мушакбозликлар сабаб бўлибди. Яъни мушакларнинг қаттиқ шовқинидан ваҳимага тушган жониворларнинг юраги дош беролмаган. Штатнинг ёввойи табиат ва балиқчилик бўйича комиссияси вакили Карен Роуининг айтишича, мушаклардан таралган яшинсимон нур, гулдураган овоз ва шовқин, одатда, ерга яқин жойларда яшайдиган қарғаларни жуда қўрқитиб юборган ҳамда уларнинг ялпи қирилишига олиб келган. Бир жиҳатдан, Карен Роуи бу борада ҳақ бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, қарғалар жуда пастда, яъни одамларга яқин яшашга одатланган. Лекин нобуд бўлган қушлар фақат қарғалар эмас-да. Бошқа бир тахминда эса беозор жониворлар нимагадир қаттиқ урилгани ҳисобига ҳалок бўлмоқда, дея фикр билдирилаётир. Таҳлиллар ҳали якунига етиб улгурмасдан айнан ўша кунлари ҳудуддаги дарёларда яшайдиган минг-минглаб балиқларнинг ўлик ҳолда қирғоққа чиқиб қолганига нима дейсиз?



Шарҳ

Калаванинг учини топишга аҳд қилган бир гуруҳ мутахассислар, мутасаддилар текшириш жараёнини янада чуқурроқ ўрганишга киришишди. Ажабланарлиси, айнан 5 январь куни, яъни шундай кўнгилсизликлар кузатилган Швециянинг Фальчепинг, Италиянинг Равенна шаҳарлари, Канаданинг Кведек музофоти, Луизиана ва Арканзас штатларида умуман мушак отилмагани аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, қушларнинг оммавий равишда қирилаётганига "фейерверк"лар сабабчи эмас. Айрим манбаларда мазкур фикр шу ҳудудларда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳолини тинчлантириш мақсадида ўйлаб топилган баҳона, дея баҳоланмоқда. Италиялик паррандашунослар томонидан илгари сурилган тахминлар эса янада ғалати. Эмишки, қумрилар кунгабоқарни қайта ишлайдиган маҳаллий корхонадан чиққан чиқиндиларни еб бўкиб қолган ва ўз вазнини кўтара олмай осмондан ерга қулаб тушиб нобуд бўлган.

Табиатда кузатилган мазкур ҳодисани яна бир гуруҳ мутахассислар бошқа омил билан боғлашмоқда. Хусусан, "The European Union Times" интернет нашрининг қайд этишича, Арканзас штатида оммавий равишда нобуд бўлган қораялоқлар нимадандир заҳарланиш оқибатида шундай қисматга тушган. Бу ҳарбий мақсадларда қўлланиладиган фосген гази бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, бундай кимёвий моддалар, асосан, ер ости омборларида сақланади. Эҳтимолларга кўра, Янги йил куни ҳудудда юз берган ер ости силкинишлари (2011 йилнинг кириб келиш кечасида 500 га яқин шундай ҳолат қайд этилганди) оқибатида газ сизиб чиққан ва қушларни заҳарлаган. Яна бир тахминда эса мазкур газларни сақлаш учун бошқа жойга олиб ўтилаётган вақтда газ ислари атрофга тарқалган бўлиши мумкинлиги айтилмоқда. Бу қанотли дўстларимизнинг заҳарланишига олиб келган. Хўш, унда нега одамларга зарар етмади? Ушбу саволга тахминни илгари сураётганлар жўяли жавоб қайтара олишмаяпти.

*"Қушларнинг оммавий қирилиши илгари ҳам кузатилган, — дейди Рус география жамияти вакили Михаил Гернштейн. — Хусусан, ер юзида бундай нохуш воқеа илк бор 1896 йилда содир бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ўшанда АҚШнинг Луизиана штатининг Батон-Руж шаҳри осмондан тушган ўлик қушлар билан тўлиб кетгани ҳақида ёзилган газеталар сақланиб қолган. 2007 йилнинг 5 январь куни ҳам АҚШнинг Айдахо штати яқинида жойлашган Бойз шаҳри атрофидан минглаб бойқушларнинг ўлик таналари топилган. Афсусланарлиси, ҳанузгача ушбу кўнгилсизлик сабабларига ойдинлик киритилгани йўқ".*

Шу ўринда бошқа бир гуруҳ мутахассислар мазкур воқеадан хабар топишгач, хориж кино усталари томонидан суратга олинган "Ер ядроси" ("The Core") фильмидаги лавҳаларни эслаб қолишди. Айтиш керакки, мазкур кинода қушларнинг зарб билан уйларнинг томлари, деворлари ва ерга урилиб ҳалок бўлгани акс эттирилган. Бунга эса Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш тезлиги ўзгаргани ва тортиш кучи бузилгани сабаб сифатида кўрсатилган. Бу қушларга қандай таъсир қилиши ҳақида эса аниқ далиллар йўқ. Таажжубли жиҳати шундаки, геофизика соҳаси мутахассислари бундай ўзгаришлар ҳақида ҳеч қандай маълумот беришмаяпти.

Хуллас, мазкур кўнгилсизликнинг сабаблари мавҳумлигича қолаётир. Бу борада нуфузли халқаро ташкилотлар, малакали мутахассислар изланишларни яна давом эттиришади ва унга ойдинлик киритишади.

Дунёнинг турли нуқталарида кузатилган бу каби ғайриоддий воқеалар инсониятнинг она-табиатга нисбатан муносабатини ўзгартиришга қаратилган бир бонг эмасмикан? Ахир, "Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди", дейишади-ку!

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Қишлоқ ёшларига туҳфа

Ибрат

***Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғидаги бўш турган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, "Ёшлар маркази"га айлантирилди.***

Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун тумандаги "Оқ сув" фермер хўжалиги, "Султонобод" ғишт заводи ҳамда "Авлод" хусусий корхонаси 111 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Бутунлай янгича қиёфа касб этган ушбу масканда айни пайтда компьютер саводхонлиги, пазандалик ҳамда тикувчиликка йўналтирилган махсус ўқув курслари, спорт тўгаракларни фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, "Дардоқ" маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳам мазкур муҳташам бинодан жой олди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 3 ЯНВАРДАН 14 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 29 декабрдаги 504, 44, 205-ҚҚ-сон қарори.*

**2011 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2176 (2011 йил 15 январдан кучга киради).**

2. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 6 декабрдаги 343-сонли буйруғи.*

**2011 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-1 (2011 йил 15 январдан кучга киради).**

3. «Тиббиёт техникасидан фойдаланиш, монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 октябрдаги 177-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2177 (2011 йил 15 январдан кучга киради).**

4. «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 7 декабрдаги 16, 106-сонли қарори.*

**2011 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178 (2011 йил 17 январдан кучга киради).**

5. «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 342-сонли буйруғи.*

**2011 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2179 (2011 йил 22 январдан кучга киради).**

6. «Сурхондарё вилоятининг ҳудудида чегара зонаси ўрнатилган туман, шаҳар, шаҳарча қишлоқ кенгашлари, темир йўл бекатлари, тайёрагоҳлар ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 9 декабрдаги 22, 129-сон қарори.*

**2011 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1084-1 (2011 йил 22 январдан кучга киради).**

7. «Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 203-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180 (2011 йил 22 январдан кучга киради).**

8. «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 6, 42/2, 1-сонли қарори.*

**2011 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181 (2011 йил 23 январдан кучга киради).**

9. «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 6 январдаги 2-сонли буйруғи.*

**2011 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2013-1 (2011 йил 23 январдан кучга киради).**

10. «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2010 йил 30 декабрдаги 01/12-18/15, 112-сонли қарори.*

**2011 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-2 (2011 йил 23 январдан кучга киради).**

11. «Геология-қидирув ишларида хавфсизлик қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2010 йил 21 декабрдаги 360, 18-1966-сонли қарори.*

**2011 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 304-1 (2011 йил 23 январдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2153, 2010 йил 12 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2011 йил 5 январдаги 1-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Кўмир шахталарининг ўт ўчириш сув таъминотини марказлашган тарзда назорат қилиш ва бошқариш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида, Агросаноат комплексида хом ашёни сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг қурилмаларидаги портлаш босимини камайтирувчи мосламаларни лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида. *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
Қашқадарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2009 йил 23 октябрдаги 1-732/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз шаҳри, Тарағай Баҳодир кўчаси, 127-уйда жойлашган, МЧЖ шаклидаги «Шаҳрисабз мебель» қўшма корхонасига қарашли, қурилиш майдони 2627,2 кв.м. бўлган, 1976 йилда қурилган, 1 қаватли, таъмирталаб ҳолатдаги 1-сонли ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 483 299 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 8 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000800571452126, МФО: 00190, СТИР: 200933850.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58.

Лицензия: DD 001 № 080084.
www.rkmb.uz

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238

«Rational Resurs»
SUV ISITISH QOZONLARI
маҳсулот сертификатланган
Тел.: (+998-97) 786-50-09.
Факс: (8-370-95) 6-20-65.

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга таклиф этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
— ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.
— ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.
Квадрат кесимдаги — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.
Тўғри бурчак кесимдаги — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 80х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.
— Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;
Булардан ташқари:
(листовой) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм
— Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.




"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти жамоаси масъул ходим Асқар Ёқубжоновга отаси

**ЎРМОНЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва экология кафедраси доценти Ҳамид Ярмуҳамедовга акаси

**Қодиржон ЯРМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

